

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2342-10
2020 yil 17 yanvar



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI BOShQARUVI
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOliYA VAZIRLIGI
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT SOliQ KUMITASINING
QARORI

**Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини
ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 5-бандига қўшимча
киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ва “Ўзбекистон Республикасининг
Марказий банки тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий
банки Бошқаруви, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ кўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги
ва Давлат солиқ кўмитасининг 2011 йил 12 декабрдаги 35/4, 82 ва 2011-41-сон қарори
(рўйхат рақами 2342, 2012 йил 15 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари
тўплами, 2012 й., 11-сон, 127-модда) билан тасдиқланган Хўжалик юритувчи
субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби
тўғрисидаги йўриқноманинг 5-банди “в” кичик банди қуйидаги мазмундаги тўртинчи
ва бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан берилган бюджет ссудаси,
кредит линияси ва улар бўйича ҳисобланган фоизлар;

Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ресурслари
ҳисобидан берилган кредитлар бўйича қарзлар ва улар бўйича тўловлар;”.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси



М. Нурмуратов

Тошкент ш.,

2019 йил “23” Декабрь

321-Б-10-сон

Молия вазири



Д. Кучкаров

Тошкент ш.,
2019 йил "23" Декабрь
115 -сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси



Б. Мусаев

Тошкент ш.,
2019 йил "23" Декабрь
2019-63 -сон